

5 office Yangiobod street. Fergana. Uzbekistan. 150100.
Tel. (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48. (99) 851-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz E.mail: tttaudit@mail.ru
The license AF № 00773 issued by Ministry of Finance from 2019.04.05.

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

№ 51

(Қўшимча изоҳлар билан фикр билдирилган)

Сана: 30 апрел 2023 й

Қўқон шаҳар «Қўқон
Механика заводи» акциядорлик жамияти
кузатув кенгаши ва акциядорларига

Фикр:

Бизнинг фикримизча, аудит қилинган молиявий ҳисобот «Қўқон Механика заводи» акциядорлик жамиятинингнинг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» (JPA International) аудиторлик ташкилоти бош аудитори Хожиакбаров С.Г (Аудитор сертификати № 05468 11.03.2017 йилда Молия Вазирлигидан берилган) «Қўқон Механика заводи» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган «Бухгалтерия баланси» ва «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида, «Хусусий капитал тўғрисида»ги, «Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисоботдан, шунингдек «Ҳисоб сиёсати»ни аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказдик.

Қўшимча изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

«Қўқон Механика заводи» акциядорлик жамиятида асосий фондлар йўқламадан ўтказилмаган. Жамият бухгалтерия баланси билан 1-С жамланма оборотлари айрим ҳисобварақалар ўртасида фарқлар мавжуд. Биз товар моддий захиралар йўқламасида катнашмаганмиз. Жамият томонидан 31.12.2022 йил ҳолатига молиявий ҳисоботда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғри кўрсатганлигига ишонч ҳосил қилиш учун таққослов далолатномалари тақдим этилмаганлиги сабабли тўлақонли аудиторлик далилларини олишни имконияти мавжуд бўлмади.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МХХС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият жамият фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан жамият фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса. Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар жамиятнинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч, ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолатли эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаимиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, жамиятнинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар жамият фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этилишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек “Қўқон Механика заводи” акциядорлик жамиятининг Корпоратив бошқаруви учун масъул шахсларга аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган ҳулосага келамиз.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош
директори, бош аудитор:

Бош аудитор



М.Х Ботиров

С.Г Хожиакбаров

(Аудитор малака сертификати № 05052
Молия вазирлигидан 25.08.2012
йилда берилган.)